

**АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР
ДУНЁҚАРАШИДАГИ САЛБИЙ ЎЗГАРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Бухоро давлат педагогика институти доценти,

Ш.О. Гулямова номли

Осиё халқаро университети магистранти

п.ф.ф.д. (PhD) Ж.Ж. Рамазонов

***Аннотация:** Мазкур мақолада талаба-ёшларда ахборот истемоли маданиятининг феномени, ахборот истемоли маданияти мотивацияси шаклланиши, ахборотларни саралаш, қайта ишлаш ва истемол қилишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари хусусидаги назарий ҳамда амалий масалалари ёритилган.*

***Калит сўзлар:** ахборот, ахборот алмашинуви маданияти, ахборот истемоли, ижтимоий тармоқлар, ахборотлашган жамият, ахборот маданияти, ахборот саводхонлиги, мулоқот, коммуникация, оммавий коммуникация.*

***Аннотация:** В данной статье рассмотрен феномен информационно-требовательной культуры у студентов, теоретические и практические вопросы формирования мотивации информационно-требовательной культуры, социально-психологические особенности сортировки, обработки и потребления информации.*

***Ключевые слова:** информация, культура обмена информацией, информационный спрос, социальные сети, информационное общество, информационная культура, информационная грамотность, коммуникация, коммуникация, массовая коммуникация.*

***Resume:** This article discusses the phenomenon of information-demanding culture among students, theoretical and practical issues of formation of motivation for information-demanding culture, socio-psychological features of information sorting, processing and consumption.*

***Key words:** information, information exchange culture, information demand, social networks, information society, information culture, information literacy, communication, communication, mass communication.*

Жаҳонда ахборот глобаллашуви шароитида талабаларнинг дунёқарашидаги салбий таъсирларнинг психологик хусусиятларини аниқлаштириш, виртуал борлиққа ўқувчиларда аксиологик муносабатни таркиб топтиришнинг психокоррекцион усулларини ишлаб чиқиш муҳим ижтимоий-психологик муаммо сифатида қаралмоқда. Айниқса, талабаларда шахсий ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлигини шакллантириш, ахборотларни қабул қилиш ва тушунишга доир рефлексив маданиятни ривожлантиришнинг психологик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада талабаларда глобал ахборотнинг улар ҳаётига таъсири тўғрисида муайян бир аниқ фикрга эга эмасликлари сабабли юзага келадиган салбий ўзгаришларнинг психологик қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё илм-фанида интегратив ёндашув асосида талабаларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоялашнинг психологик механизмларини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ахборотлар глобаллашуви шароитида ўқувчи-ёшларнинг дунёқараши ва хулқ-атворида намоён бўлаётган салбий жиҳатларнинг психологик хусусиятларини аниқлаштириш, тизимли-структур ёндашув асосида талабалар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатаётган ахборотларнинг кўринишлари, манбалари ва оқибатларини таҳлил этишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга. Шу билан биргаликда зарарли ахборотларнинг талаба онги ва дунёқарашига таъсирини баҳолаш имконини берувчи психодиагностик методларнинг модификациялашган вариантларини ишлаб чиқиш, ахборотларнинг салбий таъсирини бартараф этишнинг психопрофилактик тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар заруриятини юзага келтирмоқда.

Республикамызда ўқувчи-ёшларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, талаба ёшдаги ўқувчиларни мақсадли касб-ҳунарга тайёрлаш, уларни интернет ва компьютер ўйинларига аддиктивлигини психодиагностик воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода «Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш» муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди. Бу эса, талабаларнинг дунёқарашига салбий таъсир кўрсатаётган ахборотларнинг тузилиши, кўринишлари ва манбаларини аниқлаштириш, мазкур жараёнда психодиагностик воситалар ва психопрофилактик усуллардан фойдаланишнинг амалий жиҳатларини очиб беришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

Харакатлар стратегияси тўғрисида»[1], 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Хорижлик олимлардан Элвин Тоффлер, Ричард Гроссман, Д. Белл, Ф.Махлапа, А.Бандура, К.Маккоули, Р.Панги кабилар томонидан ахборот глобаллашуви жараёни ва унинг талаба-ёшлар дунёқарашига салбий таъсири, ўқувчи-ёшларда инфор­мацион-аналитик компетенциясини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари ўрганилган[2].

Рус олимларидан М.Дз­лиев, А.Доколин, Ю.Затуливерет, С.Кара-Мурза, М.Кастелсь, Е.Масуда, И.Мелюхин, В.Михайловский, Н.Моисеев, Н.Носов, Н.Нурмеева, Е.Поликарпов, В.И.Моросанова, В.Ю.Меновщиков, Е.А.Перова, С.Д.Смирновлар томонидан виртуал дунёқарашнинг шахс ривожига психологик таъсири, ахборот хавфсизлигини таъминлаш компетентлиги масалалари тадқиқ этилган[3].

Республика­миз психолог олимларидан Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, В.Каримова, Б.Қодиров, А.Жабборов, Н.Сафаев, Ш.Баротов, Р.Самаров, З.Нишонова, Д.Мухамедова, А.Расулов, И.Рахимовалар томонидан очик ахборот тизимида-психологик хавфсизликни таъминлаш шарт-шароитлари, ахборот тахдидлари ва уларнинг кўринишлари, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тарбиявий-психологик меъёрларга амал қилиш, ахборотнинг юзага келиши, мақсади, йўналганлиги ва унга нисбатан огоҳликка доир илмий изланишлар амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабалар дунёқарашига ахборот глобаллашуви жараёни салбий таъси­рининг намоён бўлиш шакллари, кўринишлари, сабаблари ва омилларининг аниқланганлиги, «шахснинг инфор­мацион-психологик хавфсизлиги», «психологик ҳимоя» тушунчаларига муаллифлик ёндашуви асосида таъриф берилганлиги, инфор­мацион-психологик таъсирнинг алоҳида тури сифатида манипуляциянинг моҳиятини очиб берилганлиги, инфор­мацион-коммуникатив вазиятларнинг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабалар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотларнинг юзага келиш сабаблари, манбалари ва йўналганлик хусусиятларини ўрганишга доир модификацион ва муаллифлик психодиагностик методларнинг объективлик даражаси баҳоланганлиги, зарарли ахборотларнинг талабалар дунёқарашига салбий таъсирини бартараф этишнинг психопрофилактик тизими, психологик ўз-ўзини ҳимоялаш алгоритми, талабаларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишнинг психокоррекцион-ривожлантирувчи механизми такомиллаштирилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан умумий психология, ижтимоий психология, ёш ва педагогик психология, психодиагностика, шахс психологияси, экспериментал психология ва психокоррекция фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланиш билан тавсифланади.

Ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этиб, у инсон тафаккури, онги ва дунёқарашига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, яхлит инсон ҳаётини, унинг тақдирини, у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи қудратли ғоявий куч эканлиги асосланган.

Ахборот глобаллашуви жараёнининг методологик характериға таяниб, ахборот психологик моҳиятиға кўра, атрибутив ва функционал хусусиятларға эға эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ахборот ўзини ўзи ташкиллаштириш тизимларининг муҳим таркибий қисмидир. Сезги, идрок, хотира, тафаккур, нутқ асосидаги фаолият дастури, ўзини ўзи ташкиллаштириш жараёни, мулоқот ва бошқа мураккаб биоижтимоий ҳодисалар ахборотсиз амалға ошмайди. Ахборот билимнинг заминидир. Билим ахборот эмас, у тушунча, тасаввур ва ғоялар мажмуасидир. Алоқа ёки мулоқот жараёнида билим ахборот мазмуниға айланади. Билимнинг маъноси ахборот сигналларининг кетма-кетлигида, тартибланишганлигида намоён бўлади. Билимни эгаллаш воқеликни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ. Билим субъект томонидан, ўз навбатида шахснинг мулоҳазаси асосида шакллантирилади. Билим тушуниш жараёни бўлиб, инсоннинг ақлий тараққиёти ва онглилик даражасини ҳам белгилайди.

Хорижий мамлакатлар психолог олимлари (Элвин Тоффлер, Т.Червинский, Д.Белл, Ф.Махлапа, Р.Панги, С.Л.Рубинштейн, Л.С.Выготский, Б.Г.Ананьев, А.Н.Леонтьев, Ж.Пиаже, П.Я.Галперин, Д.В.Элконин, В.В.Давыдов, К.А.Абульханова, И.В.Дубровина, А.Морозов, Е.С.Кожевникова, С.Н.Ениколопов, А.А.Мкртичян, Е.Т.Соколова, М.О.Мдивани, П.Б.Кодесс, А.А.Либерман, В.Ю.Меновщиков, Е.А.Перова) нинг мавзуга доир илмий позицияларида улар дунёқарашининг шаклланиши ёки унда юзага келадиган ўзгаришлар асосан иштирокчи шахсининг

психологик ҳимоя механизми, ҳаётий стратегияси, ижтимоийлашув даражаси, етакчи фаолият тури, ўзини ўзи онгли бошқариш ва эмоционал барқарорлиги, хулқ-атворнинг барқарор хусусиятлари, таълим ва тарбияда устувор методологик тамойилларга таяниш ҳамда инсоннинг жисмоний ва психологик камолоти учун оптимал шарт-шароитлар каби муҳим омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда кечиши далилланган.

Ахборот глобаллашуви жараёнида талабалар дунёқарашидаги салбий ўзгаришларни тадқиқ қилиш ҳозирги замон психологияси амалиётида самарали қўллашга мўлжалланган инсоннинг шахслилик хусусиятлари ва индивидуал типологик имкониятлари ҳамда уларнинг ақлий, ахлоқий-маънавий, ҳиссий-иродавий тараққиёт даражаси ва дунёқарашини ўрганишга йўналган махсус ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), анкета ва тест методикалари ёрдамида амалга ошириш назарда тутилди. Методологик позицияларни бирлаштириш эса бугунги кун талабаларининг шахси ва фаолиятини изчилроқ ўрганиш имкониятини яратди.

Талабалар дунёқарашида салбий ўзгаришлар юзага келишининг муҳим омиллари ўрганилганда, талабалар онги ва дунёқарашини белгилайдиган билимлари, уларда қарор топган интеллектуал тараққиёт даражалари ҳар доим ҳам илмий-методологик йўналишга мос келавермаслиги аниқланди

1-жадвал.

Талабаларда ёт ғоялар таъсирига берилувчанликнинг асосий сабаблари (n=406)

№	Манбалар	Танлов натижалари:	
		Ўрин	Ҳоиз
1.	Талабанинг етарлича тарбияланмаганлиги, унда тарбиявий бўшлиқнинг мавжудлиги	1,79	84,2
2.	Талаба тақдири учун ота-оналарнинг эътиборсизлиги (тарбияда лоқайдлик, бепарволик, назоратнинг йўқлиги)	1,80	84,0
3.	Талабага иқтисодий етишмовчиликнинг таъсири	2,52	69,5
4.	Талаба ёт ғояларнинг психологик таъсир кучи устунлигига ишониб (алданиб), ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши	2,56	68,8
5.	Талаба маънавиятининг бўшлиги натижасида ёт ғояларга ишониш (ғоялар тўқнашувида ёт ғояларни	2,77	64,5

	устун деб билиши)		
6.	Талаба иродасининг бўшлиги, унда тобеликнинг мавжудлиги (иродавий сифатлар яхши шаклланмаган)	3,20	56,1

Ўзбек миллий-маданий муҳитида шаклланаётган талаба ёшлар, уларнинг ота-оналари, ижтимоий фан соҳа ўқитувчилари билан ўтказилган тадқиқотларда уларда ёт ғоялар таъсирига берилувчанликнинг энг таъсирчан омиллар сифатида қуйидаги асосий сабаблари баҳоланди: талабанинг етарлича тарбияланмаганлиги, унда тарбиявий бўшлиқнинг мавжудлиги (84,2%), талаба тақдири учун ота-оналарнинг эътиборсизлиги (тарбияда лоқайдлик, бепарволик, назоратнинг йўқлиги) (84,0%), талабага иқтисодий етишмовчиликнинг таъсири (69,5%), талаба ёт ғояларнинг психологик таъсир кучига (манипуляцияга) алданиб, ҳаётда ўз ўрнини топишга уриниши (68,8%), талаба иродасининг бўшлиги ва унда тобеликнинг мавжудлиги (56,1%)

Ёшлар, хусусан талабалар тарбиясида масъуллиқ (кимлар кўпроқ масъул ва огоҳ бўлиши кераклиги) респондентлар томонидан ўрганилганда, респондентларнинг 100 фоизи улар тарбиясида ота-оналар ва оила аъзолари доимий масъул ва огоҳ бўлишлари кераклиги, талаба тарбиясида унинг ўзига ўзи масъул ва огоҳ бўлиши муҳимлиги (90,2%), ўқиш ва меҳнат жамоалари ҳамда уларнинг раҳбарияти (85,1%), ҳуқуқ тартибот органлари (83,5%), маҳалла фаоллари ва жамоатчилик (76,6%), қариндош-уруғ ва кўни-кўшнилар (71,8%) ҳам тарбиявий таъсир манбалари сифатида улар тарбиясида янада масъулиятлироқ бўлишлари кўрсатиб ўтилди.

Талабаларнинг ўз-ўзига бўлган муносабати («Мен» концепцияси) ўрганилганда, уларнинг «интеграл мен» динамикаси уларнинг ёши ва ҳаёт тажрибаси ошиб бориши билан, уларнинг ўз «Мени»га тарафдорлиги (ортиқча баҳо бериш) кўрсаткичлари пасайиб борганлиги (20,6; 19,2; 18,4 балл) яққол кузатилди. Хусусан, ана шу даврда ўз «Мени»ни қайта баҳолаш, ўзида танқидий муносабатда бўлиш, ўзига назорат ва ўзини бошқалар билан таққослаш кучайиб борганлиги аниқланди. Бу ҳолат уларнинг ўз муносабатлари ва фаолияти натижаларига реал баҳо беришнинг ошиб бораётганлигида кузатилади. Ана шундай ўзгаришлар улар билан тарбиявий жараёнларни оқилона ташкил этишга имконият яратади (4-жадвал).

Талаба қизларда бошқаларнинг ижобий муносабатини кутиш ($p < 0.05$), ўзига қизиқиш ($p < 0.01$), ўзини қабул қилиш ($p < 0.01$), ўз-ўзига раҳбарлик қилиш кўрсаткичлари ($p < 0.01$) талаба йигитлар кўрсаткичларига қараганда анча юқори фарқларда ифодаланиши кузатилди. Ўзига ишониш, ўзини

айбланиш ва ўзини тушуниш кўрсаткичларида талаба йигитларни кўрсаткичларига нисбатан қизларда пастроқ кўрсаткичлар намоён бўлганлиги аниқланди. Бу ҳолатни йигитларга нисбатан қизларда миллий-маданий муҳитда амал қилаётган ахлоқий меъёрлар: итоаткорлик, андишалилик, бир қарорга келишда доимо эркаклар маслаҳатига амал қилиш, кўнгилчанглик, ўзини айбдор ҳис қилиш, ўзига танқидий баҳо бериш, ўзини тушунишда эътиборлилик каби хусусиятларнинг устунлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ахборот глобаллашуви жараёнида талабалар дунёқарашида юзага келаётган салбий ўзгаришларга замин яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш билан бир қаторда ота-она, мураббий-ўқитувчи, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари билан ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш зарурат эканлиги намоён бўлди.

Психология фани дунёқарашни шаклланиш жараёнини тадқиқ қилади ва мазкур фан нуқтаи назаридан дунёқараш – бу бизни ўраб турган бутун коинот, борлик, табиат, жамият ва инсоннинг ўзаро муштараклигини асослайдиган, ижтимоий-тарихий тараққиёт ҳодисаларини эволюцион йўсинда таркиб топишини, инсонда тил, нутқ, тафаккур ва онгнинг юзага келишини, жамиятда одамларнинг ўзаро муносабатларга киришиш жараёнида юзага келадиган ахлоқ-одоб принциплари ва меъёрларнинг шаклланишини, табиат ҳодисалари ва жамият қонуниятларига нисбатан қарашларнинг ривожланиб боришига доир муҳим қонуниятларини баҳолайдиган мустаҳкам психологик муносабат тизимидир.

Тадқиқот иши натижалари қуйидаги умумий хулосаларни шакллантириш имконини берди:

1. Ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этиб, у инсон тафаккури, онги-шуури ва дунёқарашига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, яхлит инсон ҳаётини, унинг тақдирини, у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи қудратли ғоявий куч эканлиги ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тўғри баҳоланган.

2. Ахборот ўзини-ўзи ташкиллаштириш тизимларининг муҳим таркибий қисмидир. Сезги, идрок, хотира, тафаккур асосидаги фаолият дастури, ўзини-ўзи ташкиллаштириш жараёни, мулоқот ва бошқа мураккаб биоижтимоий ҳодисалар ахборотсиз амалга ошмайди. Ахборот билимнинг заминидир. Билим ахборот эмас, у тушунча, тасаввур ва ғоялар мажмуасидир. Алоқа каналида ёки мулоқот жараёнида билим ахборот мазмунига айланади. Билимнинг маъноси ахборот сигналларининг кетма-кетлигида,

тартиблашганлигидан намоён бўлади. Билимни эгаллаш воқеликни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ. Билим субъект томонидан, ўз навбатида шахснинг мулоҳазаси асосида шакллантирилади. Билим тушуниш жараёни бўлиб, инсоннинг онглилик даражасини ҳам белгилайди.

Ахборот глобаллашуви жараёнида талабалар дунёқарашида юзага келаётган салбий ўзгаришларга замин яратувчи шарт-шароитларни аниқлаш билан бир қаторда ота-она, мураббий-ўқитувчи, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимлари билан ёшларда илмий дунёқарашни тарбиялаш учун улар онги ва маънавиятида миллий-мафкуравий иммунитетни шаклланишига шароит яратишимиз, миллий кадриятларга садоқат руҳини тарбиялашимиз, илмий билим доирасини ҳамда илмий дунёқарашини

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Информационно-психологическая и психотранная война. Хрестоматия под.ред. Е. А. Тараса Минск “Харвест” 2003. –С.432. Арзиев Ф. АҚШ сиёсати ва “ақлий марказ”лар. “Тафаккур”, 2009 йил 1-сон. –Б. 113-114.
3. Якубов Б. Глобаллашув: давр муаммолари. “Жамият ва бошқарув” 2007 йил 4-сон. –Б.14-16.
4. Qahhorova, G., & Ramazonov, J. (2023). AXBOROTLARNING TALABA YOSHLAR RUHIYATGA SALBIY TA'SIRINING IJTIMOIIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Бюллетень педагогов нового Узбекистана, 1(4 Part 2), 23-25.
5. Ramazonov, J. J. (2021). The role of self-governance in providing personal perfection. Scientific progress, 2(2), 1075-1078.